

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСАҚОВ АБДУВОҲИД АБДУВАҲОБОВИЧ**

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА РАҚАМЛИ**  
**ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДИК**  
**АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тасвирий санъат)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Исаков Абдувоҳид Абдуваҳобович**

Тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг  
методик асосларини такомиллаштириш..... 3

**Исаков Абдувоҳид Абдуваҳобович**

Совершенствование методической базы использования цифровых  
технологий на уроках изобразительного искусства ..... 23

**Isakov Abduvokhid Abduvakhobovich**

Improving the methodological framework for the use of digital technologies in  
fine arts classes ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСАҚОВ АБДУВОҲИД АБДУВАҲОБОВИЧ**

**ТАСВИРИЙ САЊАТ ДАРСЛАРИДА РАҚАМЛИ**  
**ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДИК**  
**АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тасвирий санъат)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Ped.3113 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хужамбердиева Шаҳноза Купайсиновна**  
педагогика фанлари буйича фалсафа доктори  
PhD, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупова Шохида Жалолиддиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Булатов Саидахбор Саидкаримович**  
педагогика фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ахборот технологиялари  
университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 28 декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳар, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-28-02; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1174 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2022 йил 16 декабрь куни тарқатилди.  
(2022 йил 16 декабрдаги 31-рақамли реестр баённомаси).

  
**Файзуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор  
**М.Ю. Собирова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, п.ф.н., доцент  
**К.М. Боймирзаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, г.ф.д. (DSc), доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллаш орқали таълим-тарбия жараёнлари сифатини оширишнинг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Педагогик таълимнинг долзарб йўналишларидан бири ўқувчиларнинг тасвирий санъатта оид анъанавий ва замонавий компетентлигини ривожлантиришнинг шакл, метод, восита ва инновацион технологияларини ишлаб чиқишдан иборат. Шу сабабли, ўқитишнинг мультимедиа воситалари мисолидаги рақамли технологиялардан тасвирий санъат таълимида самарали фойдаланиш алоҳида долзарблик касб этади.

Дунёда тасвирий санъат таълимини модернизациялашнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш, ўқувчиларда замонавий тасвирлаш воситалари билан ишлаш олиш борасидаги амалий ҳамда санъатшуносликка оид назарий компетенцияларини ривожлантиришнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш, тасвирий санъатни ўқитишга доир электрон дарслик ва мультимедиа иловаларни яратишнинг методик тизимини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, тасвирий санъат таълимида интеграцион ёндашувларни жорий этишнинг методик жиҳатларини аниқлаштириш, ўқувчиларнинг бадиий-эстетик компетентлигини ривожлантиришда арттехнологиялардан фойдаланиш, рақамли таълим шароитида таълим олувчиларда бадиий ижодкорликни шакллантиришнинг педагогик механизминини такомиллаштириш муҳим долзарблик касб этади. Шунингдек, тасвирий санъатни ўқитиш методикасида рақамли ресурслардан фойдаланиш таълимнинг инновацион элементини ўқувчилар учун қизиқарли, кўргазмалли, тушунарли бўлишини таъминлаб қолмасдан, ўқув жараёнининг юқори даражада сифатли бўлишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Республикамизда “иқтидорли ёш профессионал санъат намоёндаларининг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг замонавий шакл ва услублари, самарали педагогик технологиялар, электрон ахборот ресурсларидан кенг фойдаланган ҳолда таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштириш<sup>1</sup>га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни Миллий ўқув дастурлари асосида ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, рақамли технологиялар воситасида ўқувчиларнинг рақамли ва креатив компетентлигини ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштириш муҳим долзарблик касб этади. Бу эса, рақамли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2020 й., 07/20/4688/0475-сон.

технологиялар асосида тасвирий санъат дарсларини ташкил этиш ва ўтказишга доир ўқув материалларини структуралаштириш, тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ташкилий-методик модели ҳамда уни амалиётга жорий этишнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик жаражаси.** Ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, электрон таълимни ривожлантириш, масофавий таълимни ташкил этиш, электрон ахборот-таълим ресурслари, дастурий таъминотларни яратиш ва қўллаш муаммолари бўйича мамлакатимиз олимларидан А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, Ф.Закирова, Л.Бабаходжаевалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган. Тасвирий санъатни ўқитишнинг методик жиҳатлари С.Абдирасилов, С.Азимов, Б.Бойметов, С.Булатов, А.Сулаймонов, Н.Талипов, Р.Хайров, Р.Ҳасанов кабиларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Н.Волков, Л.Клыкова, Н.Корнилова, П.Ковешников, С.Лавренова, И.Михайлов, Н.Ростовцев, Б.Юсовларнинг тадқиқотларида тасвирий санъат дарсларида инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг айрим методик жиҳатлари ёритиб берилган. А.Белиц-Гейман, Г.Кравченко, И.Красильников, М.Медведева, М.Никитина, М.Орлова, Ю.Рубин, В.Фандейлар рақамли технологияларни қўллаш, аралаш таълим шароитида ўқитиш жараёнларини жадаллаштириш масалаларини ўрганишган.

Хорижлик олимлардан K.Farley, D.Eber, A.Kraehe, N.Faisal, J.Black, S.Long, J.Watts, A.Colman, T.Dufva, D.Sprengerларнинг илмий ва методик йўналишдаги ишларида тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланишга эътибор қаратилган, ўқувчиларда рақамли

компетенцияларни шакллантириш бўйича K.Peppler, A. Alawad, R.Sweeny, R.Guillard-Patton, O.Gude, A.Pennisi, T.Smith, C.Wolffenbüttel, таълим олувчиларнинг ижодий ишларини баҳолаш бўйича эса C.Dorn, S.Madeja, F.Sabolлар тадқиқотлар ўтказишган.

Бироқ республикамизда тасвирий санъат дарсларида рақамли ресурслардан фойдаланиш, тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг график муҳаррирлар билан ишлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг методик жиҳатлари махсус тадқиқ этилмаган. Ана шу сабабли тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланиш мазмуни, рақамли ресурслар асосида тасвирий санъат дарсларини лойиҳалаштириш, мазкур жараёни амалга ошириш модели ва методик шарт-шароитларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарур, деган хулосага келинди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 561624-ЕРР. “Ўзбекистон олий таълим жараёнини модернизациялаш ва халқаролашувини ривожлантириш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг методик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тасвирий санъат дарсларида рақамли технологияларидан фойдаланишга қўйиладиган психологик-педагогик ва методик талабларни аниқлаштириш;

рақамли технологиялар асосида тасвирий санъат дарсларини ташкил этиш ва ўтказишга доир ўқув материалларини тизимлаштиришнинг педагогик алгоритминини ишлаб чиқиш;

тасвирий санъат дарсларида рақамли технологияларга асосланган интерактив ўқув қўлланмадан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш;

тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланиш жараёни танланиб, тажриба-синов ишларига Фарғона, Андижон, Наманган вилояти умумий ўрта таълим мактабларининг 504 нафар ўқувчилари жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланиш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, тест, суҳбат, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, PRISMA (Preferred Reporting Items for Systematic Reviews and Meta-Analyses), усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тасвирий санъат дарсларида рақамли технологияларидан фойдаланишга қўйиладиган курснинг ўқув материалларини мустақил ишлаб чиқиш,

электрон-таълимий ресурсларни излаш, каталоглаш, фойдаланиш, график муҳаррир ёрдамида расмларни яратиш ва таҳрир қилиш каби методик талаблар санъатнинг монотузилмали, синтетик, техник турларини анъанавий-рақамли (traditional+digital) кўринишда уйғунлашув даражасини белгилаш асосида аниқлаштирилган;

тасвирий санъат дарсларига доир ўқув материалларини тизимлаштиришнинг мантиқий тузилмаси америкача стандарт кодлашга асосланган Арт (American Standard Code for Information Interchange), компьютер графикаси, рақамли тасвир, фотография ва демо (мультимедиа) тақдимот) каби рақамли иш шакллари компьютерли имитация орқали лойиҳалашнинг педагогик жараёнини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

тасвирий санъат дарсларида рақамли технологияларга асосланган интерактив ўқув қўлланмадан фойдаланишнинг амалий жиҳатлари ҳаёт давомида таълим олиш (life-long-learning)ни индивидуаллаштиришга йўналтирилган илғор ўқитиш технологияларни (advanced-learning technologies) рақамли дидактиканинг контаминация (аралаш маълумотлар), таълимий квант (модул), симуляция каби интерактив жиҳатлари адаптивлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

тасвирий санъат дарслари мазмуни рақамли технологиялардан фойдаланишнинг дизайнга оид кўникмаларни интенсив ривожлантириш, назарий, амалий ва онлайн дарсларни рақамли ўқитиш тамойиллари асосида лойиҳалаш, “санъат орқали ҳаётга” ғоясига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:**

тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланишни услубий тақомиллаштиришнинг мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

тажрибавий таълим назариясига асосланган интерактив ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва “Тасвирий санъат ва дизайн” номли электрон ўқув қўлланмага Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Агентлигидан белгиланган тартибда патент олинган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 5 декабрдаги № МВМ-7-11 сонли билдиришномаси);

тасвирий санъат дарсларида фойдаланиладиган рақамли технологиялар таснифи ишлаб чиқилган;

тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланиб яратилган ижодий ишларни баҳолашга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тасвирий санъат таълими соҳасидаги республикамиз, МДҲ ва чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи ўқитувчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; назарий маълумотларни расмий манбалардан олинганлиги, натижалар самарадорлиги математик статистика усуллари ёрдамида асосланганлиги, амалиётга татбиқ



этиланлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тасвирий санъат таълимида рақамли технологиялардан фойдаланишга оид янги хулосалар билан бойитилганлиги, ўқувчиларнинг креативлик, ижтимоийлик ва барқарор келажакка оид компетенцияларини шаклланганлик даражасини аниқлашга кўмак берувчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришга доир илмий-методик тавсиялардан ўқув дастурлари ва режаларини такомиллаштиришда, уларга мос тарзда янги авлод дарслик ва ўқув-методик адабиётлар мазмунини бойитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг методик асосларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

тасвирий санъат дарсларида рақамли технологияларидан фойдаланишга қўйиладиган курснинг ўқув материалларини мустақил ишлаб чиқиш, электрон-таълимий ресурсларни излаш, каталоглаш, фойдаланиш, график муҳаррир ёрдамида расмларни яратиш ва таҳрир қилиш каби методик талаблар санъатнинг монотузилмали, синтетик, техник турларини анъанавий-рақамли кўринишда уйғунлашув даражасини белгилаш асосида аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан тавсияларидан “Умумий ўрта таълим сифатини ошириш дастури” доирасида амалга оширилган 2019 йил 10 декабрьда тасдиқланган 591-сон “Умумий ўрта таълимнинг миллий ўқув дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 21 октябрдаги 01/11-02/02-1659-сон маълумотномаси). Натижада, тасвирий санъат таълими мазмунини рақамли технологиялар асосида такомиллаштиришга хизмат қилган;

тасвирий санъат дарсларига доир ўқув материалларини тизимлаштиришнинг мантиқий тузилмаси америкача стандарт кодлашга асосланган Арт, компьютер графикаси, рақамли тасвир, фотография ва демо каби рақамли иш шакллари компьютерли имитация орқали лойihalашнинг педагогик жараёнини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга доир тавсияларидан умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синф “Тасвирий санъат” фани учун дарслик яратишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 21 октябрдаги 01/11-02/02-1659-сон маълумотномаси). Натижада, рақамли технологиялар асосида тасвирий санъат фанини ўқитишнинг инновацион воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

тасвирий санъат дарсларида рақамли технологияларга асосланган интерактив ўқув қўлланмадан фойдаланишнинг амалий жиҳатлари ҳаёт давомида таълим олишни индивидуаллаштиришга йўналтирилган илғор ўқитиш технологияларни рақамли дидактиканинг контаминация, таълимий

квант, симуляция каби интерактив жиҳатлари адаптивлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир тавсиялардан Халқ таълими вазирининг 2022 йил 3 февралдаги “Миллий ўқув дастурига асосан 2022/2023-ўқув йили учун чоп этилиши режалаштирилган умумтаълим фанларидан дарслик ҳамда ўқув-методик мажмуаларнинг макетларини яратиш ишларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 39-сонли буйруғига асосан, умумтаълим мактабларининг 6-7 синфлари учун “Тасвирий санъат” фанидан дарслик яратишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 21 октябрдаги 01/11-02/02-1659-сон маълумотномаси). Натижада, тасвирий санъат ўқитувчиларининг рақамли компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилган;

тасвирий санъат дарслари мазмуни рақамли технологиялардан фойдаланишнинг дизайнга оид кўникмаларни интенсив ривожлантириш, назарий, амалий ва онлайн дарсларни рақамли ўқитиш тамойиллари асосида лойиҳалаш, “санъат орқали ҳаётга” ғоясига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилганлигига оид таклифларидан Ўзбекистон Миллий университетига бажарилган “Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий, илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 22 октябрдаги 04/11-6627-сон маълумотномаси). Натижада тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланиш услубиётини такомиллаштиришнинг мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 126 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгиллиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг “Тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобида умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат дарсларини ташкил этишнинг педагогик асослари, замонавий талаблари ҳамда мазкур жараёни амалга оширишнинг амалиётдаги ҳолати ёритиб берилган.

XXI асрда ахборот ва коммуникацион технологияларнинг ривожланиши барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида, хусусан тасвирий санъат фанини ўқитишда ҳам замонавий талаблар асосида таълим сифатини янада оширишни тақозо қилмоқда. Шубҳасиз, мамлакатимизда тасвирий санъат фанини ўқитиш сифатини янада ошириш ҳамда ўқувчиларда мазкур фан бўйича ўзлаштирган билимларидан кундалик фаолияти давомида фойдалана олиш самардорлигини ошириш учун таълим жараёнига янгича ёндашув заруриятини юзага келтиради. Бунинг учун, тасвирий санъат фани учун ҳукумат томонидан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва дастурлар орқали белгилаб берилган талабларни инобатга олган ҳолда, дарс жараёнларини нафақат замонавий педагогик технологиялар балки, ахборот-коммуникацион ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда ташкил этиш лозим.

Шу ўринда, тасвирий санъатни ўқитиш борасида ХХ асрда шаклланган ва айни пайтда Ўзбекистон таълим тизимида кенг қўлланилаётган ўқитиш услублари билан бир қаторда, айни пайтда жаҳон тажрибасида қўлланилаётган ва ўзининг ижобий самарасини берган “Тажрибавий таълим (Experiential learning)”, “Лойиҳа услуби (Project method)” каби услубларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳам бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир.

Ўқувчиларда тасвирий санъат фани доирасида замонавий дизайн ва архитектура ҳақидаги билим ва малакаларни такомиллаштириш жараёнида рақамли технологиялар, хусусан ахборот коммуникацион технологиялари ва график иловаларнинг аҳамияти катта.

Рақамли технологиялар ёрдамида яратиладиган мултимедиали форматдаги материаллар ўзининг тасвирларни аниқ тақдим қилиш, маълумотларни янада чуқурроқ англаш учун махсус эффектларни ярата олиш ҳамда кенг қўламли визуал маълумотлар тақдим эта олиш имкониялари билан таълим соҳасида бекиёс салоҳиятга эга.

Дарсларда компьютерлардан фойдаланиш ўқув жараёнининг ҳар икки субъекти-ўқитувчи ва ўқувчи фаоллигини оширади, таълим олишни индивидуаллашувига олиб боради, натижада, ўқувчи шахсининг ривожланиши ҳам рағбатлантирилади - унинг қарор қабул қилишда мустақиллиги, ташаббускорлиги, вазифаларни аниқ бажаришига бўлган талаблар ортади, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида қайтар алоқа сезиларли даражада ошади. Булар-педагогик фаолият учун муҳим хусусиятлардир ва рассом-ўқитувчи фаолиятида акс этиши лозим.

Тадқиқот жараёнида хорижий мамлакатлар, жумладан, Финляндия ва Жанубий Корея мамлакатлари мисолида тасвирий санъат таълим тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш тажрибалари ўрганиб чиқилди.

Финляндия мактабларида рақамли технологияларга бўлган эътиборнинг асосан икки мақсадга қаратилган:

-биринчидан, ўқувчиларнинг дастурлаш, маълумотларни таҳлил қилиш, дизайн ва бошқа талаб юқори бўлган ҳамда технологияларга боғлиқ компетенцияларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

-иккинчидан, ўқувчиларга йўналтирилган таълим, фанлараро таълим, изланувчан таълим, лойиҳага йўналтирилган таълим ва бошқалар каби маълумотлардан очиқ фойдаланиш имконияти ва ўқув самарадорлигини ошириш воситаларидан фойдаланиш натижасида ижобий натижалар берган педагогик ёндашувларни қўллаб-қувватлаш. (Gaible, 2019)

Корея таълим тизимида Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва улардан кенг фойдаланишни 2005 йилда бошлади ва ҳукумат рақамли технологияларни таълимни ривожлантирувчи асосий воситалардан бири деб ҳисоблайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, тасвирий санъат фанини ўқитиш жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларда нафақат санъатга бўлган қизиқишларини орттириш, ўқувчида нафосатни шакллантиришда кўмаклашади балки, уларда олинган билимларни узоқ вақт ёдда сақлаб қолиш ҳамда келажакка оид билим ва малакаларни шакллантиришда ҳам катта аҳамият касб этади.

Рақамли қурилмалардан унумли фойдаланиш эса мустақил излай олиш, керакли маълумотни қисқа муддат ичида қидириб топиш, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида мунтазам фикр алмашиб туриш каби имкониятларни яратиб бериш орқали маълумотларни мунтазам такрорланиб туришини таъминлайди ва шу орқали ўқувчиларда “мустаҳкам билим” шаклланишини таъминлайди.

Тасвирий санъат дарсларини рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этишнинг бугунги аҳволини қуйидаги йўналишларда кўриб чиқишимиз мумкин:

– мультимедиа ёрдамида ташкил этиладиган дарслар. Синфда битта компьютер мавжуд, ўқитувчи уни «электрон доска» сифатида ишлатади.

– бутунжаҳон Интернет тармоғига кириш имкониятига эга бўлган дарслар (ҳам мултимедиа, ҳам компьютер ёрдами билан ташкил этилиши мумкин).


– компьютер ёрдамида ташкил этиладиган дарслар. Бундай дарслар бир нечта компьютерлар (одатда компьютер синфида) ёрдамида ташкил этилади, барча ўқувчилар уларда бир вақтнинг ўзида ёки навбат билан ишлаши билан амалга оширилади.

Диссертацяннинг “Тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг методик асосларини такомиллаштириш” деб номланган иккинчи бобида рақамли технологиялар ёрдамида тасвирий санъат дарсларини ташкил этишнинг мазмуни, рақамли технологиялар асосида тасвирий санъат дарсларини ташкил этиш ва ўтказишга доир ўқув материалларининг структураси, рақамли технологияларга асосланган интерактив воситаларнинг дидактик модели, таълим жараёнини амалга оширишнинг шакл, метод ва воситалари ёритиб берилган.

Тасвирий санъатнинг ўзи каби, уни ўқитиш ҳам кундан-кун ривожланмоқда ва фоолият доираси кенгайиб бормоқда. Йиллар сари янги воситалар, усуллар ва материаллар ўқитиш жараёнига интеграция қилинмоқда. Бу жараёнда рақамли технологиялардан фойдаланиш дарс сифатини оширишга хизмат қилади ва қисқа вақт ичида мавзу юзасидан кўпроқ маълумот олиш имкониятини беради.

Шу ўринда, рақамли технологияларни таснифлашда унинг хусусиятларини ҳам инобатга олиш зарур. Рақамли технологиялар таърифи барча электрон воситаларни, автоматик тизимларни, технологик қурилмаларни ва маълумотларни ишлаб чиқарадиган ёки сақлайдиган ресурсларни ўз ичига олади.

Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат дарсларига қўйиладиган талаб дарсларни тўғри ва мақсадли ташкил этиш ҳамда ўқувчиларда тегишли компетенцияларни шакллантиришдан иборат эканлигини инобатга олсак, мазкур рақамли технологияларни қўлланилишини қуйидагича таснифлаш мумкин (1-расмга қараганг):



1-расм. Тасвирий санъат дарсларни ташкил этиш ва ўтказишда восита сифатида фойдаланиладиган рақамли технологияларнинг таснифи

Тахлил қилинган ва дунё тажрибасида кенг қўлланилган тажрибалар асосида шунни айтиш мумкинки, тадқиқотчилар тасвирий санъат таълим жараёнига рақамли технологияларни интеграция қилишда турли воситалардан фойдаланганлар. Лекин биз уларни хусусиятларидан келиб чикиб растрли графика, вектор графикаси, видео тахрирлаш дастури ва интерактив турларга ажратдик.

Кўпчилик тадқиқотчилар ўқувчиларни танкидий фикрлаш ва рақамли санъат кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам бериш орқали ўқувчиларни синфга жалб қилиш, келажакка тайёргарлик кўриш ва синфда саводхонликни ривожлантиришдаги ролини таъкидлайди. Ўқитувчиларга ахлок, ижтимоий

хабардорлик, тарих ёки тегишли санъат орқали мулоқот воситалари каби мавзулар қаторида, замонавий рақамли воситаларнинг ўқув дастурига киритиш зарур, чунки уларнинг аксарияти техник кўникмалар ва ўқувчиларнинг келажакдаги фаолиятига тайёргарлик билан боғлиқ.

Шундай қилиб, ўқувчиларда рақамли технологиялар билан ишлаш бўйича кўникмаларни шакллантиришда тасвирий санъат фани учун ажратилган ўқув соатлари, мавзуларда рақамли технологиялар билан ишлаш имкониятларини инобатга олган ҳолда ўқув материалларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: назарий дарсларда фойдаланиш учун мўлжалланган интерактив воситалар ҳамда амалий бажариш учун мўлжалланган график иловалар.

Ўқув аудиториясида фойдаланиш имкониятларидан келиб чиқиб эса биринчи гуруҳ материалларини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- а) онлайн интерактив дастурлар;
- б) офлайн интерактив ўқув воситалари;
- с) гибрид ўқув воситалари.

Иккинчи гуруҳ материаллари ҳам ўз ўрнида уч турга бўлинади:

- а) растрли график дастурлар;
- б) векторли график дастурлар ва
- с) уч ўлчамли график дастурлар.

Рақамли технлогияларни қўллаш орқали ўқувчиларда (7-синф мисолида) Давлат таълим таълим стандартида келтириб ўтилган талаблар, жаҳон тажрибасида қўлланиб келинаётган “XXI аср малакалари”ни ўқувчиларда шакллантиришни умутаълим мактабларидаги мавжуд ўқув дастури асосида куйидаги тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқ (1-жадвалга қаранг):

#### 1-жадвал

**Рақамли технологиялар ёрдамида 7-синф ўқувчиларда ДТСдаги мавжуд ҳамда янги шаклланидиган компетенцияларнинг таклиф этилаётган таълим воситаларига мутаносиблиги**

<b>Дарс шакли: Назарий</b>			
Мавзу номи	Компьютер Иловалари	Ўзбекистон Республикаси ДТСда тасвирий санъат фани учун белгиланган мавжуд компетенциялар	Янги шакллантирилаётган компетенциялар
<p>1-мавзу: “Тасвирий санъатда оқим ва йўналишлар”;</p> <p>8-9-мавзулар: “Ўзбекистоннинг амалий санъатида рамзий шакллар”;</p> <p>10-11-мавзулар: “Ўзбекистоннинг нақш рамзлари”;</p> <p>17-18-мавзулар: “Ўзбекистоннинг тарихий обидалари”.</p>	<p>Web саҳифалар</p> <p>E-китоблар</p> <p>Тақдимотлар</p> <p>Виртуал реаллик</p>	<p>-амалий ва тасвирий санъат турларини фарқлаш;</p> <p>-Ўзбекистон ҳамда жаҳон тасвирий санъат асарларини билиш, таҳлил қила олиш ва ундан таъсирлана олиш;</p>	<p>-Тасвирий санъатни талқин қила олиш;</p> <p>-Ўз-ўзини бошқариш;</p> <p>-рақамли технологиялар билан ишлаш;</p> <p>-танқидий фикрлаш;</p> <p>-Фикрлаш ва таълим олишни ўрганиш;</p>

**Дарс шакли: Амалий**

Мавзу номи	Компьютер Иловалари	Ўзбекистон ДТСда тасвирий санъат фани учун мавжуд компетенциялар	Янги шакллантирилган компетенциялар
<p>6-мавзу: “Тасвирий санъатда рамзий белги ва гералдика”;                      10-11-мавзулар: “Ўзбекистоннинг нақш рамзлари”                      19-20-мавзулар: “Шарк меъморчилиги” мавзусида ижодий иш бажариш;                      21-22-мавзулар: “Мен истаган шаҳар” мавзусида композиция ишлаш;                      23-24-мавзулар: “Меъморий манзара” мавзусида композиция ишлаш;                      26-мавзу: “Бино макетини яшаш ва безаш”.</p>	<p>Adobe Illustrator,  3DMax.</p>	<p>-тасвирлашда перспективанинг асосий қонуниятларини қўллай олиш;                      -натурани тасвирлаш ва ишлашга ижодий ёндаша олиш;                      -натурани тасвирлашда композиция қондаларига амал қилган ҳолда тасвир ишлаш;                      -тасвирни ишлашда асосий ва ҳосила рангларни тўғри қўллаш;                      -тасвир ишлашда соя-ёруғ қисмларини ажратиш, иш жараёнида қўллаш;</p>	<p>-Билим ва маълумотларни қайта ишлаш;                      -креатив фикрлаш;                      -эстетик сезгирлик;                      -ижтимоийликни англаш;                      -Визуал идрок этиш;                      -Экологик маданият;                      -Миллий маданиятга оид компетенциялар;                      -Қўлқирралик;                      -Рақамли технологиялар билан ишлаш олиш;                      -Меҳнат ва тадбиркорлик компетенциялари;                      -Барқарор келажак қуришга оид билимлар.</p>

Кўриниб турибдики, рақамли технологияларни тасвирий санъат дарсларига интеграция қилиш ўқувчиларда нафақат мавжуд таълим стандартларида белгиланган компетенцияларни балки жаҳон талаблари асосидаги компетенцияларни ҳам шакллантирилишга омил бўла олади.

Шу ўринда, мазкур компетенцияларни ичизиллик, кетма-кетлик ҳамда бўлимнинг мазмунга мувофиқ олган ҳолда шакллантириш учун ўқувчини керакли таълим воситаси билан таъминлашга эҳтиёж пайдо бўлади.

Қолаверса, айтилиши вақтда тасвирий санъат фани бўйича мактаб ўқув дастурида рақамли технологияларни қўллаш бўйича таклифлар янги эканлиги ва амалда мавжуд эмаслигига эътибор қаратсак, интерактив ўқув қўлланманинг нақадар зарур эканлигини ҳис қиламиз. Шунинг учун, тадқиқот давомида дарсларда фойдаланиш учун интерактив ўқув қўлланма тайёрладик.


Фойдаланиш учун тавсия этилаётган интерактив қўлланманинг ўзига хослиги, у нафақат ўқувчиларнинг рақамли компетентлигини оширишга балки ўқитувчиларни ҳам методик жиҳатдан қўллаб қувватловчи таъминот бўлиб хизмат қилади. Жумладан, қўлланма 1-ўқув йили давомида ўтиладиган (7-синф мисолида) дарсларнинг ўз ичига олади ҳамда дарсликка қўшимча восита сифатида хизмат қилади.

Интерактив қўлланманинг таркибини яратишда АҚШлик олим Давид Колбнинг “Таърибага асосланган таълим назарияси (Experiential Learning Theory)” асос қилиб олинди.

Колбнинг таълим назарияси “инсон ривожланишининг ёш болаликдан вояга етгунга қадар бўлган ҳаёт циклини қамраб олади ва касб танлаш, таълим, муаммоларни ҳал қилиш ва шахслараро муносабатлар каби фаолият”ни назарда тутди. Унинг назарияси инсонларнинг табиий ўрганиш қобилиятига эга деган гуманистик концепцияга асосланади. Бироқ, умуман олганда, ўқув жараёнининг тавсифи бўлишига қарамай, Колб модели рефлексия ва тажрибага кўпроқ урғу беради.

Колбнинг тўрт босқичли модели - бу ўрганиш циклининг оддий тавсифи бўлиб, тушунчалар устида фикр юритиш орқали тажриба қандай шаклланишини кўрсатади. У ўқув циклини ташкил этувчи тўрт босқични келтириб ўтади:

- аниқ тажриба (concrete experience),
- рефлексив кузатиш (reflective observation),
- мавҳум концепция (abstract conceptualization)
- фаол тажриба (active experimentation). (2-расм)



**2-расм. Колбнинг Тажрибага асосланган таълим назариясида таълим цикли**


Мазкур сиклнинг универсаллиги шундаки, жараёни исталган босқичдан кириб, давом эттириш мумкин, аммо босқичлар кетма-кетликда амалга оширилади. Ўқувчилар циклни бир неча марта босиб ўтадилар ва шунинг учун бутун жараёни циклар спирали сифатида тасвирлаш ҳам мумкин.

Маълумот олишнинг янги ва инновацион йўллари ортиб бораётган, замонавий технологиялар(advanced technologies)нинг турли кўринишлари ижтимоий ҳаётимизга кириб келаётган, ўзаро маълумот алмашинув



воситаларининг янги турлари ишлаб чиқиладиган бир вақтда ўқувчиларни бундай тезкор ўзгаришларга мослашувини таъминлаш учун “хаёт давомида таълим олиш (life-long learning)”га бўлган эҳтиёж юзага келмоқда. Луис Фиджеральднинг таъкидлашича мазкур таълим нафақат мактабда, балки, мактабдан ташқари фаолиятда ҳам давом этади (Lewis-Fitzgerald, 2005). Тасвирий санъат дарсларида рақамли технологияларни қўллаш эса “хаёт давомида таълим”нинг асосий стратегияларидан бўлган “янги технологияларни ўрганиш”га (Fowler,1996) қаратилган таълимни синфда таъминлаш имкониятини беради.

Рақамли санъатнинг икки асосий сифати - бадий фаолият субъектининг виртуаллиги ва ушбу фаолиятнинг интерактивлиги - бу таълим соҳасида фундаментал аҳамиятга эгадир. Виртуаллик ўқувчиларнинг бадий ҳаракатларини тубдан мураккаблаштиради, интерактивлик уларнинг операцион мазмунини сезиларли даражада соддалаштиради. Мазкур таълим соҳасининг ана шу икки хусусияти унинг ижодий-таркибий қисмини белгилаб беради. (3-расм)



**3-расм. Ўқитиш жараёнида виртуаллик ва интерактивликни таъминлаш**

Шу аснода, рақамли санъатнинг асосий хусусиятлари - виртуаллик ва интерактивлик-ўқувчиларни улар билан таништириш тамойилларини белгилайди.

Улар орасида қуйидагилар мавжуд:

- Ўқув бадий-ижодий фаолиятнинг ифодали воситаларини бойитиш тамойили.
- Кўп бадий характерга эга ижодкорлик таълим тамойили.
- Ўқув жараёнида компьютер дастурлари фойдаланувчисининг интерактив ролини бадий маълумотларни бошқариш орқали ошириш тамойили.
- Ўқув-бадий-ижодий фаолият муҳитининг эркинлиги тамойили.

Мазкур тамойиллар асосида шакллантирилган меҳодларни ҳам унга асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

Ўқувчи билан биргаликда  
 12.09.2017  
 ШАХСАТНОМАСИЗ MARKAZI 17

- ўқувчиларни ижодий амалиёт билан таништиришга қаратилган методлар;

- тегишли фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билимлар билан таништиришга қаратилган методлар;

- ўқувчиларнинг ўзларини ижодий намоён қила олишларини рағбатлантирадиган методлар.

Ўқувчиларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиб бажарган ижодий ишлари яратилган маҳсулотнинг сифатига қараб баҳоланади. Ишнинг сифати мактаб ўқувчиларининг рақамли расмларида, яъни уларнинг композицион элементлари, ранги, ғоявий талқини ва ишнинг креативлигини ўз ичига олади.

Диссертациянинг “Тасвирий санъат дарсларида рақамли технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ва натижалари ёритиб берилди.

